

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

○ Узбекистон Республикаси Бош вазири Абдулхалим Муталов раислигида Узбекистон Республикаси 12 фоидали ички ютуқ зами йўналиши биринчи навбатдан ташқари тиражнинг тайёрловчи ва ўтказувчи ишчи комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Самарқандда 30 июль кунин бу тиражни катта байрам сифатида ўтказиш режалари кўриб чиқилди.

○ Узбекистон металлургия заводида ишлаб чиқарилган прокатнинг катта туркуми Японияга жўнатилди. Бекободликлар гоат харидориги маҳсулотларини Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари ва хорижга жўнатиб турибдилар.

○ Андижон вилоятида хунар-техника билим юртлири ўрнида лицейлар ташкил этилмоқда. Уларда муайян фанлар чуқур ўргатилади. Лицейларни муваффақиятли тугаллаганлар республика олий ўқув юртлирига имтихонсиз қабул қилинишлари кўзда тутилган.

○ Қорақалпоғистон Олий Кенгаши раёсати кўнгилли халқ дўстларини фаолиятини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Эндиликда халқ дўстларини сафида навбатчилик қилганлар учун маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳақ тўланади.

*** Ишбилармонлик—давр талаби**

«Б И Л Л У Р» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Яқинда Тошкент «Миконд» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошмада биллур буюмлар билан савдо қилувчи «Биллур» фирмалари дўкони ўз фаолиятини бошлади. Бу унинг истиқболи ва келажакдаги мақсадлари билан қизиқиб бирлашма ташқи иқтисодий алоқалар ва халқ истеъмоли моллари бўлимининг бошлиғи М. А. Мусушайевога бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Мурод Аъзамович, ҳозирги иқтисодий танг аҳволда фирма дўкони очиб қандай пайдо бўлди?

— Дўкони ташкил этиш гоҳсини, тўғриси, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Бугунги дўконларимиз пештахталарнинг бум-бўшлиги бизни тазорқ шу ишни бошлашга ундади. Минг афсуски, маҳсулот ҳажмининг ўсиши ва молларнинг пештахталарда сезиларли даражада кўпайиши ҳам харидорлар талабини қондира олмапти. Харидорларнинг халқ истеъмоли буюмларига бўлган талабини, жумладан, ўз ички-хотимларимизнинг ҳам эҳтиёжини қондириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Чамамда дўкон ўз вақтида очилди, чуқри наҳд пулнинг етишмаслиги натижасида маълум сабабларга кўра бирлашманинг молиявий аҳвали бирмунча оғирлашган эди.

— Бугунги қийин шароитни ҳисобга олганда дўкони очиб сизларга осон кечмаган кўрнганми?

— Албатта. Дўкони очишда анчайин меҳнат қилишга тўғри келди. Ҳолбуки, дўкони очиб корхонанинг кичик бир ажралмас қисми бўлиб, унинг обрўсини кўтаришга ҳизмат қилади. Шунинг учун ишни бошлашда дўконга боғлиқ бўлган барча воститаларнинг илдан-иғнасиғача эътиборга олинди. Бинобарин, дўкониинг жойлашиши, унинг безатилиши ва ҳоказолар катта аҳамият касб этди. Айниқса, эски ва савдо қилишга ҳам мослашган бинони таъмирлаш биздан анча куч талаб этди.

— Агар ишларингиз юришиб кетса халқимизнинг биллур буюмларга бўлган эҳтиёжини қанчалик қондира оласизлар?

— Ҳозирча бу ҳақда бирор гап айтиш қийин. Лекин дастлабки ҳисоб-китобимизга қараганда бир ойда бир миллион сўмлик маҳсулотларини сота оламиз. Бу жуда ҳам албатта, аммо кейинчалик бу кўрсаткич аниқгина ошади. Ахир «Тома-тома кўл бўлур» деб бежиз айтишмаган.

— Ҳар бир иш ахши ниятлар билан бошланади. Сизнингча дўкониинг келажакда гуллаб-яшнаши учун қандай чоралар кўриш керак?


— Менинг ишоним комилки, биргина бизнинг дўкониимиз эмас, балки бутун савдо тизимининг гуллаб-яшнаши учун уларни хусусийлаштириш керак. Ушанганда маълум даражада қайғуришимиз, дўкониимизни турли мол ва маблаглар билан таъминлашимиз деркор. Шахсий манфаатдорлик ана шундай пайларда кўл келади. Бизнинг янги дўкониимиз жамоаси ҳам ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатади. Одамларнинг талашда энг муҳим қирралардан ҳалоллик, ишбилармонлик, фирма манфаатларига содиқлик деб билимиз.

— Мурод Аъзамович, дўкон билан боғлиқ бўлган келгусидан режаларингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз.

— Келажакдаги режаларимиз — дўкониимиздаги савдонини воститаларни ва тижорат асосида йўлга қўйиш. Бу ишлаб чиқарувчи цехлар учун қўлай омиладир. Улар бу йўл билан ўз маҳсулотларини тўғридан-тўғри ўзламининг «Биллур»имизда сотиш ҳуқуқига эга бўлиб, фойданинг бир қислидан баҳраманд бўладилар.

Иккинчидан эса, агарда ҳамма ишлар ҳам ўйлаганимиздек қўнгалдагидек кетса, корхона директори билан келишган ҳолда фирмалари дўкониимизни савдо корхонасига айлантиришмоқчимиз. Айтгандак кунни кеча Оқтөпа даҳасидаги корхонанинг сойқ эркаклар втоқхонаси биносида савдо таркибига кирувчи яна бир фирма дўкониини ташкил этишга рўхсат олинди.

Сўхбатдош Назрулла ҲАМРОЕВ.



Тошкентдаги Тўқимаччилик комбинати ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг буюқ фабрикасида техника қайта қуролланиш жараёни давом этмоқда. Янги асбоб-ускуналар жаҳон меъёрлари даражасида, сифати, маҳсулот белгиси, чиройли расм ва буюқларнинг мустаҳкам ўрнашишини кафолатлайдиган ма- толарни ишлаб чиқаришни таъминлайди.

СУРАТДА: монтажчилар Владимир Жамитов ва Валерий Филипповлар Чехословакияда ишлаб чиқарилган босма машиналарни ўрнатишмоқда. Равиль Шамсутдинов (ўЗА) сурати.

Мармар қасрининг янги эгаси

ШАРОФ Рашидов шохқўчасининг бошланғичдаги бир неча йиллардан бери қурилиши маромига етмай ётган кўп қаватли бино ўз эгасини топди. Ташқи кўриниши мармар билан янголланган бу чиройли қошопа пойтахт ҳокимиятининг қарорига биноан «Тошкент» биржасига сотилди. Бинонинг янги эгалари олдида уни қуриб битказиш муаммоси қўндаланг турлиди. Хиндистон ва Туркиядаги қурилиш фирмалари ўз маҳоратларини кўрсатишга шайлар. Ҳозир хорижий қурилиш фирмалари билан бу муҳим масала юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра уни фойдаланувчиларга топшириш учун 12—14 миллион доллар керак бўлади. Савд АЗИЗ.

БИЛИМЛАР СИНОВИ ҒОЛИБЛАРИ

СУВ ҳўжалигини ривожлантиришда гидромеорация фанининг тутган ўрни каттадир. Бу истиқболли фани янада тараққий этиши малакали мутахассис кадрларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли олий ўқув юртлирида гидромеорация этакчи курс хўжалиқда атрофлича ўрганилмоқда. Бу соҳадаги машғулотлар қай даражада самаралар бераётганини аниқлаш мақсадида яқинда толий илмларнинг республика олимпиадаси ўтказилди. Тошкент ирригация ва қўлга киритдилар. Шахсий Акбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР МАНФААТЛАРИНИ КўЗЛАБ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ТўҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИДАН

Аввал хабар берганимиздек, 10 июлда Илгирма биринчи қарқирчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар Ҳокими А. Н. Фозилбеков очди.

Шу сессиядан эътиборан сессия котиби лавозимни жорий этилди. У сессия бошланғич сессиядан сайланди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тўққизинчи сессиясининг котиби этиб депутат Х. Х. Мирзақонова сайланди.

Депутатлар таҳрир ва ҳисоб комиссиясини сайлаб, сессия иш тартибини тасдиқлагандан кейин сўнг кун тартибига айрим қўшимча масалаларни киритдилар. Жумладан, сессия мақоламеънаси Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгашлари, идора ва жамоат ташкилотлари уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги масала киритилди.

Сессия кун тартибни тасдиқлагандан сўнг уни муҳокама этишга киришилди.

Тошкент шаҳар Кенгашининг Кенгашлар ва улар ижроия доиралари билан ишлаш бўйича доимий депутат комиссияси «Тошкент шаҳар Ҳокими ва унинг вакиллик ҳокимият идоралари — халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабатларининг асослари тўғрисидаги муваққат низоом ва шу муносабат билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалаларни сессияга киритди. Бу масалалар юзасидан ушбу доимий комиссиянинг аъзоси депутат М. М. Солиқов ахборот берди.

У фармойиш берувчи ва ижроия ҳокимиятнинг тақомиллаштириш мақсадида Узбекистон Республикасининг «Узбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ҳамда Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорларига мувофиқ зарур тузилма ўзгартириш қилинганлиги, Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси ташкил этилганлигини таъкидлади. Сессия муҳокамега қўйилган ҳужжатлар доимий де-

путат комиссияларида муҳокама этилди. Депутатлар Ш. Темуров, Н. Ҳасанов, А. Бобоқонова томонидан киритилган баъзи таҳририй ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда «Тошкент шаҳар Ҳокими ва унинг вакиллик ҳокимият идоралари — халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабатларининг асослари тўғрисида»ги муваққат низоом сессияда тасдиқланди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иш тартибига ҳам ўзгартириш киритилди.

Шундан сўнг сессия Тошкент шаҳри маҳаллий Кенгашлари, идора ва жамоат ташкилотлари уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Ҳокимиининг ўринбосари, Иттифодий мажмуасининг раҳбари Ш. Ҳ. Назоқов маъруза қилди.

У маҳаллий Кенгашлар корхона ва ташкилотлар ихтиёрида бўлган уй-жой фондини хусусийлаштириш шаҳарда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотнинг тарихий қисми эканлигини айтди. Бу талбир жамият ҳар бир аъзосининг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини эркин амалга оширишини таъминлайдиган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий муносабатларни яратишга қаратилган.

Уй-жойни хусусийлаштириш амалда аҳоли барча қатламлари манфаатларига дахлдор бўлиб, гоат жиҳдий эътиборни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Инсон тўла ҳуқуқини ҳўжайин, биринчи навбатда ўз уй-жойининг ҳақиний эгаси эканлигини ҳанузгача ҳис эта олмагани. Бундан ташқари маъжуд уй-жой фондини сақлаш, ундан фойдаланиш, капитал қурилиш ҳажмларини кенгайтириш уй-жойни хусусийлаштириш муаммосини ҳал этишни жадаллаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси Узбекистон Республикаси давлат мулк комиссияси билан ҳамкорликда уй-жойни хусусийлаштиришнинг ўтказиш тартибни белгилайдиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этди. Бу гуруҳ шаҳар уй-жой фонди аҳолининг таҳлил этиш, кватираларининг сифатига қараб қийматини бел-

гиллаш юзасидан қўндаланг ишларни олиб борди. Бундан ташқари олинган тарихи ва бюджет, аҳолининг харид қилиш қобилияти юзасидан тадқиқотлар ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳам таъминланган фуқаролар аниқлаб чиқилди. Шунингдек уй-жой сифати ҳисобга олинган ҳолда кватиралар сони, улар қайси йиллари қурилганлиги эътиборга олинган ҳолда уй-жой қийматини белгилаш юзасидан катта иш олиб борилди. Бугунги кунда шаҳар уй-жой фонди қарийб 33 миллион квадрат метрни ташкил этади. Уларнинг тахминан 64 фоизи хусусийлаштирилган керак.

Ҳисоб-китоблар 1992 йилгача умумий уй-жой майдонининг ҳар бир квадрат метри унинг сифати ҳисобга олинмаган ҳолда 165,7 сўмни ташкил этганлигини кўрсатди. Бу йил бинокорлик материалларининг нархи кескин ошганлиги сабабли ушбу кўрсаткич 7—8 минг сўмгача етди.

Бу хусусият хусусийлаштириш тўғрисидаги низоомда ҳам ўзининг ифодасини топди. Унда 1992 йилгача қурилган уй-жойни харид қилувчилар учун бир хил қонда, бундан сўнг қурилган уй-жойлар учун бошқа қондага амал қилиниши кўзда тутилган.

Хусусийлаштирилган кватиралар қийматини белгилашда ижтимоий адолат принципларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратилди. Биро, уй-жойни хусусийлаштириш ўз қўламини бўйла 1 миллион нафардан кўпроқ тошкентликларнинг манфаатларига тааллуқли бўлади. Бу бўлажак уй-жой ислохотининг алоҳида аҳамиятга эга бўлишини ҳам кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, кватиралар нархи 11 та омили ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Уй-жойларнинг шаҳар марказидан ёни четидан, шохқўчалар ёнидан ёни даҳалар ўртасида эканлиги, жамоат транспорт бекатларига, савдо ва маънавий хизмат кўрсатиш корхоналарига, йирик санаят ишхоналари, аэропорт, темир йўлга яқин-узюклиги, марказий иштин қурилмаларининг маъжудлиги, қайси қаватдалиги, иссиқсиз ва сувниқ бардошлилиги ва бошқа омиллар шулар қўндаландир.

(Давоми 2-бетда).

ЕНГИЛ ВА ЧИДАМЛИ

ЎЗИГА хос бежидим кўринишга эга бўлган полимер материалли уникал деб аталмоқда. Бу хил енгил ва чидамли полимердан юқори сифатли изоляторлар, кабеллар қопламаларини қўндаланг таъминоти мумкин. Бунинг учун унча кўп миқдорда маблаг талаб қилинмайди.

Янги хил полимерни тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқишда Тошкент Давлат техника университетини бир гуруҳ етакчи олимлари самарали ишладилар. Бундай натижага эришишда Москва, Уфа, Владимир шаҳарларидаги мутахассислар билан боғланган илмий ҳамкорлик алоқаси кўл келди.

Тадқиқот асосида турли хил мустаҳкам материаллар чиқариш кўзда тутилди. Владимир шаҳридаги санаят корхонасида эса уникални қўндаланг маънавий материалларни ҳосил қилинди.

Сабоҳат ОВИДОВА.

ИХТИСОСЛАШГАН СИНФЛАР

ИНФОРМАТИКА ва ҳисоблаш техника асослари курси мактаб таълимидан мустаҳкам ўрни олди. Пойтахтдаги 291-ўрта мактаб жамоасининг бу борадаги орттираётган тажрибаси диққатга сазовор. Билим даргоҳида ушбу фан асосларини ўқувчиларга чуқур ўргатиш мақсадида ихти-сослашган синфлар очилди. Қувонарли томон шундаки, ушбу синф машғулотларига фаол қатнашиб яхши малакага эга бўлган қобилиятли болалар учун имтиёз берилди. Жумладан, бу фани чуқур ўзлаштирган ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар Тошкент давлат дорилфунунининг муайян факультетларига тўғридан-тўғри қабул қилинадилар. Бу ҳақда ўрта мактаб билан олий ўқув юртлири ўртасида ўзаро келишиб олинган.

Севара АЪЗАМОВА.

ЖОНЛИ СОВҒА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ газетасининг муштарийлари кўҳна Туркистон шаҳрида Узбекистон ва Қозғистон Республикалари Президентлари учрашиб ҳар икки мустақил давлат ўртасида ўзаро ёрдам, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шарт-шартимзолавларидан хабарларни бор, Турон заминидан ана шу учрашув чоғида туркистонлик қарилар халқининг ички суюкли фарзандига бирлик ва ҳамжиҳатлик тимсоли бўлган оқ тулпорларини тортиқ қилишган эди. Ҳамшираҳларимиз ана шу соғанини, яъни оқ тулпор билан тувининг Қозғистон Республикасида наглан вакилларининг тошкентликларга тантанали топширганликларидан ҳам хабарларни бор.

Кўни-кеча эса улар Тошкент ҳайвонот боғида яна бир ўзига хос қизиқарли воқеага келишди. Тошкент ҳайвонот боғига ташриф буюрган томошабинлар, қозоқ маданияти марказидан келган вакиллар, шаҳар маданият бош бошқармаси вакиллари бу ерда қизиқарли воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Кейин икки халқнинг қадимий расм-русумларига мувофиқ миллий чопонлар кийгазилди, қозоқ қўшқларига ўзбекча рақселар уланг кетди.

Оқ тулпор эса Тошкент райони вакилларига тантанали ваазинта топширилди. Собир ВОТТРОВ.



Суратли ахборот

(Давоми. Бошланғич 1-бедга).

Маърузачи квартиралар нима учун киши-ларга мулк сифатида бепул расмийлаштирил-мапти ёки нима учун бозор баҳоларида со-тилмапти, деган саволлар пайдо бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратиш. Агар квар-тиралар одамларга мулк сифатида бепул бе-рилса, ижтимоий адолат принципи бузилади. Чунки бу ҳолда бир тийин сарфламасдан давлат квартирасини олган ва бутун тоған маблағини шахсий иморат қуриш учун сарф-лаб оиласини кўн нарсалар қисиб қўйган одам тенгсиз ҳолатда бўлади. Агар хусусийлашти-рини бозор нархларида ўтказилгани бўлса, амалда санокчи кишиларгина ўз квартира-ларини сотиб оладилар. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали эмас. Бунинг устига ушбу ҳолда ижтимоий вазиет кескинлашиб кетиши мум-кин.

Шу сабабдан уй-жойни хусусийлаштириш юзасидан тақлиф этилган қондан энг мақ-бул, дейиш мумкин. Бунинг устига аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳимоя қилиш мақсадида хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида манфаатлари давлат томонидан ҳи-моя қилиниши зарур бўлган фуқаролар тои-фаларини кенгайтириш тақлиф этилмоқда.

Уй-жой ислохоти шароитларида аҳоли ик-тимоий ҳимосини таъминлаш, уй-жойга мулк-чилик соҳасида муайян ихтиёрийлик бериш тақлиф этилади. Унга кўра ҳар бир фуқаро ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган уй-жойини мут-лақ мулк сифатида харид қилиши, яъни унга эгаллик қилиши, фойдаланиши ёки уй-жойини ижарага олиши мумкин.

Шу муносабат билан уй-жойини мулк си-фатида харид қиладиган кишиларга муайян имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда. Агар уй-жой бир йўла хусусий мулк сифатида сотиб олинса, унинг умумий қийматидан ўн фоизи чегириб ташланади. Агар уй-жой қиймати ик-ки ярим йил мобайнида тўланса, унинг қий-матининг беш фоизи чегириб ташланади. Худ-ди ана шундай ёндошни аҳоли барча қатла-лари манфаатларини ҳисобга олади, фуқаро-ларга имтиёзлар тугдиради, хусусийлаштириш қийинчиликларидан ҳимоя этади ва мулк эга-сининг пайдо бўлиши учун шарт-шароитлар яратди.

Уй-жой шу тарзда хусусийлаштирилган тақдирда, мулк эгаси сотиб олган уйини со-тиши, иғмом этиши, мерос қолдириши, уму-ман ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуналигига эид бўлмаган бошқа қилиш-лар қилиши мумкин. Бу ўринда хусусийлаш-тирилган мулкни ўзбекистон Республикаси-нинг ҳудудида қандайдир йил пропискида бўлган фуқаролар сотиб олиши ҳуқуқида эга эканликларини айтиш айтишса мумкин. Уй-жойни бепул ёки қисман пул тўлаб ху-сусийлаштирилган фуқаролар бу уй-жойга ўз-бекистон Республикаси Президентининг фар-монлари ёки қонимат олий идораларининг бошқа ҳужжатларига мувофиқ эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқида эга бўладилар. Ва ижтимоий қайси бир сабабларга кўра ўзлари эгаллаб турган уй-жойни хусусийлаштириш-мас-ликка қарор қилган кишилар уй-жой идора-лари билан ижара шартномасини тузишлари зарур бўлади. Бу ижара муайян вақтда ёки сўнгги уй-жойни сотиб олиши ҳуқуқи билан узокроқ муддатга тузатилиши мумкин.

Аҳоли реал турмуш даражасидан келиб чи-ққан ҳолда уй-жой Тошкент шаҳрида истиқо-нат қилувчи барча фуқароларга унинг қондқ қиймати асосида сотилади. Буида уй-жойни бир йўла ёки бир неча йил давомида сотиб олиш мумкин. Буида 1992 йилгача ва ундан сўнг қурилган уйлар учун тўлов фойзалари турлича бўлади.

Тақлиф этилаётган қонда, — деб таъкид-лади Ш. Х. Низомов. — Унинг яратувчилари фикрига кўра ижтимоий тигизлик келтириб чиқармайди. Унинг амалга оширилиши уй-жой бозорига ўтишни бирмунча юмшатиши керак. 1992 йилгача қурилган уй-жой беш йил мобайнида сотиб олинishi керак. Шунда бир йўла уй-жой қийматининг 40 фоизи тўла-ниши талаб этилади. Зарурат ҳолда бу ми-қдордаги пулни тўлаб узокроқ муддатга қў-зилиши мумкин. 1992 йилда ва ундан сўнг қу-рилган уй ва квартиралар ўн йил мобайнида хусусийлаштирилади. Буида мавжуд реал нарх-навоҳлардан келиб чиққан ҳолда уй қий-матининг 20 фоизи бир йўла тўланади. Ана шу уй-жой эгаларига 1992 йилгача қурил-ган уй-жойларни хусусийлаштиришда кўзда тутилган имтиёзлар тааллуқлидир.

Авал бошдан хусусийлаштириш асосига мулкдорнинг устиворлиги унинг ижарага қараганда манфаатдор бўлиши қўйилган. Мулкдор уй-жойга эгаллик қилиш, квартира ҳақи тўлаш, уй-жой идоралари билан ўзаро муносабат ва ҳоказоларга ҳам устиворликка эга бўлади. Бундан ташқари хусусийлашти-рилган уй-жой эгалари уй ичидagi ва атрофи-даги ишоотларнинг ҳам биргаликдаги эгалари бўладилар. Бунинг учун уларга тегишли ҳуқуқлар берилади.

Фуқаролар квартираларини мулк сифатида харид қилиб ола бошлаганларидан сўнг дав-лат томонидан уй-жой фонди эҳтиёжлари учун акриятиладиган маблағлар ҳам аста-секин ка-майиб боради. Хусусийлаштирилган тушадиган маблағларнинг катта қисмини капитал қурилиш ҳажминини кенгайтиришга сарфлаш режалаштирилмоқда.

Пировардида маърузачи тақлиф этилаёт-ган уй-жойни хусусийлаштириш тартиби маърифатпарвар уй-жой бозорини ташкил этиш имконини беришини таъкидлади. Буида қимомдчи савдолари, биржалар, акциялар ва қимматли қозғолардан ҳам фойдаланилади. Аммо ушбу қондан амалга оширилишини энг катта самараси шундан иборатки, бу ҳолда шахарликларнинг асарият қўлчилиги миқ-дор бўлади. Бу уй-жой фондидан оқилона фойдаланишга кўмаклашади.

(Тошкент шаҳри маҳаллий кенгашлари, идо-ра ва жамоат ташкилотлари уй-жой фондини хусусийлаштиришнинг асосий принциплари тўғрисидаги низоом эълон қилинади).

Сессия Ш. Х. Низомов маърузасини тинг-лаб уни муҳомама қилишга ўтди. Депутат А. Ортинхўжаев музокарада сўзга чиқиб, тақлиф этилаётган қондалар чўйур ўйланганлиги ва ишлаб чиқилганлигини таъ-кидлади. Лекин унинг фикрича, хусусийлаш-тирилган уй-жойни сотиш масаласини пухта-роқ ўйлаб ўйлиш керак. Чунки уй-жой билан ҳайвон қилиш мумкинлигини эҳтимождан ҳоли тўтиб бўлмайдилар. Айтилди, 15 ми-я сўмга квартираси хусусийлаштирилган фуқаро унга 500 миғ сўмга сотиши мумкин. Ик-тимоий фикрича, рабўй ҳоимларнинг ик-тимоий маҳкамаларига хусусийлаштирилган уй-жой қайси баҳода ва нима сотилишини ўзла-ри белгилаш ҳуқуқи берилиши керак. Бунинг учун қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳам лозим.

Депутат В. Юсулов 1992 йил ва ундан сўнг қурилган уй-жойларни хусусийлаштириш билан боғлиқ муаммоларга эътиборни на-зарда тутишнинг зарурлигини айтиди. Бундан ташқари дағдиган кескин фарқ қилиб, ушбу одамлар-ни уй-жойни дарҳол сотиб олиш учун одамлар-ни рағбатлантиришнинг зарурлигини таъкид-лади. Ушбу уй-жой билан ҳар бир кишига эгаллик қилишнинг зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари қозғолликка йўл қўймаслик мақсадида хусусий-

лаштириш билан боғлиқ барча ҳужжатлар тўла эълон қилиниши лозим.

Депутат Э. Эгамбердиев уй-жойни бепул ёки имтиёзли асосда хусусийлаштириш ҳу-қуқида эга бўлган фуқаролар тоифасини ке-нгайтириш зарурлигини айтиди. У, шунингдек, хусусийлаштирилган уй-жой сотилишидан оли-надиган солиқ миқдорини тўғри белгилаш, ижара ҳақини оса шахарликлар маошининг миқдорига мувофиқлаштириш зарурлигига эътиборни қаратиди.

Депутат Н. Ҳасанов ўзидан олдин сўзга чиққан нотиқларнинг қўллаб-қувватлаб, кўп болали оилаларга уй-жой бепул хусусий мулк сифатида берилиши мақсадаги мувофиқ-лигини айтиди.

Депутат С. Нехорошев уй-жойни хусусий-лаштириш дастури гонг мумкинлиги ва уни қабул қилишнинг кечиктириш бўлмаслигини уқдирди. Аммо унинг фикрича, ушбу дасту-рини амалга оширишнинг ижтимоий оқибатлари пухта ўйлаб қўрилмаган. Ушбу ҳужжатни қайта ишлаб чиқиш пайтида буни ҳисобга олиш керак. Эҳтимол йирик корхона, ташки-лотлар ишториқда хусусийлаштириш жа-мғармасини ташкил этиш ҳақида ўйлаб кў-риш керакдир. Елғиз қари кишилар, кам таъминланган фуқароларга шу жағмага ҳисобидан ердан бериш мумкин бўларди. Айни пайтда ушбу дастур амалга ошири-лишини депутатлар ўзларининг қатъий назо-ратлари остида олишлари керак.

ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Депутат Ф. Маликов бу ўта муҳим ҳуж-жатни дарҳол қабул қилиш керак, деб ўз ҳаммасини қўллаб-қувватлади. Айни пайтда ҳам шаҳар Кенгаши, ҳам район Кенгашлари-нинг депутатлари уй-жойни хусусийлашти-риш амалга оширилаётганда белгиланган қонун-қоидаларга тўлиқ риод этилишини қатъий назорат қилишлари керак. Сансалор-чиликда, қозғобозликда айбдор бўлган шахслар албатта жазоланиши лозим. Депу-тат, шунингдек, ушбу концепцияни тўддириш юзасидан қатор амалий тақлифлар билдирди. Депутат Т. Ғофурбеков амалда барча ша-ҳарликлар манфаатларига даҳдор бўлган бу муҳим ҳужжатни қабул қилиш учун шо-шиласлик керак, деган фикрини билдирди. Ушбу дастур лойиҳаси кенг муҳомамага кў-рилиши керак. Шу ҳолда тошкентликлар-нинг барча тақлиф ва мулоҳазаларини ҳисоб-га олиш имконияти бўлади.

Депутат Г. Гуринов бу фикрга қўшилмади. Унинг айтишича, ушбу қарорни қабул қили-ни чўзиш мумкин эмас. Зеро, у ҳам шаҳар-ликлар, ҳам шаҳар бюджетни манфаатларини қўлаб ишлаб чиқилган. Мана шу вазиетда депутатлар масъулиятини ўз зиммаларига олиш-дан ҳадиксирашлари керак эмас. Чунки уй-жойни хусусийлаштириш иқтисодий исло-ҳотнинг энг муҳим қисмидир.

Депутат К. Тошпўлатов ҳам ҳужжатга киритилиши керак бўлган тақлифларни айт-ди. Унинг фикрича, уй-жойни хусусийлашти-риш дастури мустаҳкам ҳуқуқий ва иқтисо-дий асосга эга бўлиши керак. Бундан ташқари бозор шакли-шамоилиларидан кенроқ фойдаланиш талаб этилади. Масалан, Тошкент шаҳар Ҳокими ҳузурида уй-жой биржаси, махсус жағмага ташкил этиш керак. Уй-жойни сўғурга қилиш ва ҳоказоларни жорий этиш лозим.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков муҳомамага яқун ясар экан, уй-жойни ху-сусийлаштиришнинг кечиктирилмасдан ўтказили-шини таъкидлади. Унинг фикрича, ушбу дастурни турли сабаблари борлигини айтиди. Улар орасида капитал қурилиш учун маблағ етиш-маётганлигидек муҳим сабаб ҳам бор. Бундан ташқари, ҳар ким ўз-ўзини таъминлашга ўрганилган пайт келди. Уй-жойни хусусий-лаштириш аста-секин уй-жойдан фойдаланиш учун акриятиладиган маблағларни камай-тириш имконини беради.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенга-шининг тўқтинчи сессияси иқтисодий маж-муа раҳбари Ш. Х. Низомовнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди. Тошкент шаҳар уй-жой фондини хусусийлаштириш концепция-сини маълумлади ва уни асос учун қабул қилди. Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгашлари, идо-ра ва жамоат ташкилотлари уй-жой фон-дини хусусийлаштириш тартиби ва шартла-рини белгилаб берадиган ҳужжатларни тасдиқ-лаш учун ўзбекистон Республикаси Президе-нти ҳузуридаги Вазиарлар маҳкамасига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар шундан сўнг Тошкент шаҳри-нинг 1992 йилги бюджетни асосий жиҳатлари тўғрисидаги масалани қараб чиқиш ва му-ҳомама қилишга киришдилар. Бу масала юзасидан Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия ма-ҳкамаси молия бошқармасининг бошлиғи В. То-ҳиров маъруза қилди. У жумладан, республи-када рўй бераётган сивий, иқтисодий ўз-ғартишлар бюджетни шакллантириш тарти-бига ҳам таъсир қўраётганлигини айтиди. Корхона ва ташкилотлар билан солиқ сиваси масалалари бўйича муайян иш олиб бори-лади. Бу биринчи ярим йилликда давлат даро-мадлари бўйича режанг 113,7 фоиз қилиб бажариш имконини бериди. Давлат даромад-лари бўйича режанг қўшимча шаҳар газма-сига қўшимча қийматга солиқдан 151,4 ми-лдон сўм, даромад солиғи бўйича 454,6 миллион сўм, аҳоли даромад солиғи бўйича 78 миллион сўм тузилиди. Бундан ташқари молиявий аҳолини яхшилаш юзасидан қўрил-ган чоралар маҳаллий бюджетни қўшимча 114 миллион сўм билан тўддириш имконини бериди. Бюджетнинг харажат қисми 99,1 фо-из қилиб бажарилади. Бюджет иқроси тигиз-лигига қарамастан, биринчи ярим йилликда қўшимча тадбирларга 55,8 миллион сўм илаб топилади. Бюджет харажатининг асосий мо-даларига турар жой қурилиши (94,1 миллион сўм), капитал қурилиш (111 миллион сўм), маданият-маншай соҳа (1 миллиард 800 ми-лдон сўм), аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш (352,3 миллион сўм), ташкил этиди. Бундан ташқари молия идоралари солиқ тизимини тақомиллаштириш ишларини давом эттирмоқ-далар. Жумладан, қўшимча қиймат, мулк, да-ромад учун йил солиқлар жорий этилди. Бу шаҳар иқтисодиётини соғломлаштириш учун шарт-шароитлар яратмоқда.

Шу масала юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши режа ва бюджет-молия доимий комиссиясининг раиси Р. Гу-ломов сўзга чиқди. У ушбу ҳужжат доимий депутат комиссиялари мажлисларида диққат билан ўрганиб чиқилганлигини айтиди. Ша-ҳар бюджетининг даромад қисми харажат

қисмидан ортиқлиги қувонарлидир. Бу солиқ тизимининг ва умуман молия идора-лари фаолиятининг самардорлигидан дало-лат беради. Бундан ташқари бюджетни шакл-лантиришда ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг Фармонларида кўзда тутилган барча тадбирлар ҳисобга олинган. Бироқ нотиқнинг фикрича, шаҳар кўлиғина йирик санаот корхоналарининг молиявий аҳоли ҳамон ташвиш тугдирмоқда. Бозор тили бил-ан айтилган бўлсак, улар касодга уч-рапти. Бу муаммо билан боғлиқ масалалар-ни ҳал этишга алоҳида эътибор бериш ке-рак бўлади. Чунки санаот шаҳар халқ ҳуж-ялиги мажмуасининг негизини ташкил эта-ди.

Сессия Тошкент шаҳар 1992 йил бюдже-тининг асосий жиҳатларини тасдиқлади. Сессия қарори билан Тошкент шаҳар Ҳо-ким ижроия маҳкамаси комитетлари, бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари, трестлари, бирлашмалари ва уларнинг раҳ-барлари тасдиқланди.

Шоира Расулова Иброҳимова — Тошкент шаҳар табияти ҳимоя қилиш комитетининг раиси этиб; Бахтиёр Иброҳимович Тоҳиров — молия бошқармасининг бошлиғи этиб; Борис Геннадьевич Магай — Тошкент ша-ҳар статистика бошқармасининг бошлиғи этиб;

Абдуҳақдор Азизович Ваҳобов — ўзе-бекистон Республикаси пенсия жағмағмаси Тошкент филиалининг бошқарувчиси этиб; Зокир Собирович Мусав — Жағмага банк Тошкент шаҳар бошқармасининг бош-лиғи этиб; Қўлаҳмад Тошпўлатович Ризаев — Соғлиқ-ни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи этиб;

Ҳамидулла Қайумович Иўдошев — Халқ таълим бош бошқармасининг бошлиғи этиб; Саидхўжа Ҳабибович Олимхўжаев — Ма-даният бош бошқармасининг бошлиғи этиб; Холита Убайдуллаевна Турсунова — ик-тимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи этиб;

Шавкат Музаффарович Усмонов — жис-момий тарбия ва спорт бўйича Тошкент шаҳар комитетининг раиси этиб; Ваҳодир Эргашевич Хўжаев — Тошкент шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришнинг олдиндан аниқлаш комитетининг раиси этиб; Пулат Ҳолматович Умаров — Тошкент те-лефон алоқаси ва радиолантириш ишлаб чи-қариш бирлашмасининг бошлиғи этиб;

Собир Ҳатамович Ҳатамов — Тошкент поч-та алоқаси ва матбуот тартиқти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи этиб; Юсуф Шабаевич Ражабов — коммунал корхоналар ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи этиб;

Евгений Борисович Кейнов — «Тошгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи этиб; Зокирхўжа Тўраҳўжаевич Солихўжаев — «Сувос» трестининг бошқарувчиси этиб; Олег Ричардович Карапетов — Капитал қурилиш бош бошқармасининг бошлиғи этиб; Муҳаммадамин Олимжонович Расулов — Архитектура ва шаҳарозолик бош бошқар-масининг бошлиғи этиб;

Марат Қаримович Мусаев — уй-жой май-донинг ҳисобга олиш ва тақсимлаш бошқар-масининг бошлиғи этиб; Бахтиёр Комилович Тўлағонов — шахсий уй-жой қурилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича бошқарма бошлиғи этиб; Комил Ғафуров — ички ишлар бошқарма-сининг бошлиғи этиб;

Сессия қатор ташкилотлар қайта ташкил этилиши муносабати билан таъсис конфе-ренцияларида қўйилган демократик йўл билан сайланганлигини маълумот учун қабул қилди:

Равшан Фатхуллаевич Файзуллаев — «Ташгорнастрас» ассоциациясининг раиси этиб; Рустам Юсупович Ғрозбоев — «Тошкент савдо» концернининг раиси этиб; Қобилжон Ҳамидович Зоиров — умумий овқатланиш концернининг раиси этиб;

Шундан сўнг сессия муҳомамага Тошкент шаҳрининг йилги тамгаси лойиҳаси қўйилди. Депутатлар томонидан қатор амалий тақлиф ва мулоҳазалар билдирилгандан сўнг сессия тамгани яратиб устидagi ишни давом эт-тириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сессия Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўри-босари К. Расуловнинг 2000 йилги XXVII Елги олимпиада ўйинларига Тошкент шаҳар номзодини қўрастиш тўғрисидаги маълумотни тинглаб, маълумот учун қабул қилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенга-шининг тўқтинчи сессияси истисно тари-қинида ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ахлоқ-тузатиш ташкилати ва корхо-наларини бошқа шахарлик фуқароларни иш-га қабул қилиш учун шаҳар бюджетига бир йўла бадал тўлашдан овоз этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ўзбекистон Респу-бликаси Президентини ҳузуридаги Вазиарлар маҳкамаси қарори асосида қабул қилинди.

Сессия Тошкент шаҳар Кенгашининг 1988 йил 5 апрелдаги 202/В «Шахсий уй-жой ку-риш мавзеларида ўзбoшимчалик билан қурил-ган уй-жойлар, хўжалик ва маншай қурилиш-лар ва ишоотларни шахсий мулк сифатида рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарорини 1994 йил 1 январига ҳа узайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия муҳомамага халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижроия коми-тети йўқотилганлиги муносабати билан на-зорат комиссияси, воёга етмаганлар иш-лари бўйича комиссияси бевор қилиш тўғри-сидаги тақлиф киритилди. Депутатлар ушбу тақлифни тасдиқладилар ва Тошкент шаҳар Ҳокими ижроия маҳкамаси ҳузурида назо-рат комиссиясини ташкил этидилар.

Шундан сўнг сессияда ҳакамлар тўғри-сидаги масала кўриб чиқилди. Тошкент ша-ҳар Кенгашининг қонунчилиги ва ҳўқун-тар-тибот доимий депутат комиссияси тақдими-га кўра сессия бошқа ишга ўтганлари са-бабли Мирзо Улуғбек район халқ ҳақами вазиридан У. Х. Абдуллоевни, Ҳама район халқ ҳақами вазиридан Ю. Ю. Соловевни, Чилочев район халқ ҳақамидиган М. Ғ. Ражабовни, шунингдек амалдаги қонунчи-лик бузишга йўл қўйилгани учун Сергел раён халқ ҳақамидан А. Ғ. Озеровни мул-датидан илгари овоз этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия қарори билан қуйидагилар халқ ҳақамлари этиб сайландилар: Акмал Икромов район бўйича — М. М. Миралимов, Со-бир Раҳимов район бўйича — М. Ғ. Гу-ломов, Сергел район бўйича — Д. А. Очилва ва В. М. Грачев, Ҳама район бў-йича — Ф. Х. Отабоев, Чилочев район бў-йича — У. Х. Абдуллоев, З. Ш. Насриддинов Мирзо Улуғбек район халқ ҳақами ва халқ судининг раиси этиб сайланди. Сессия қаро-ри билан Р. Н. Ким ариасига мувофиқ Мир-зо Улуғбек район халқ суди раиси вазиридан овоз этиди.

Сессия шунингдек, Тошкент халқ суди халқ мажлисларини таркибига ўзгартириш-лар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессия Т. М. Миродиловнинг депутат сў-рови юзасидан Тошкент шаҳар Ҳокими иж-роия маҳкамаси Капитал қурилиш бош бош-қармасининг бошлиғи О. Р. Карапетовнинг ахборотини тинглаб, эътибор учун қабул қил-ди.

Шу билан халқ депутатлари Тошкент ша-ҳар Кенгашининг тўқтинчи сессияси ўз ишини тугаллади.



«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба бўлимида янги андоздаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади.



СУРАТЛАРДА: тажриба це-хи тикувчиси (юқоридagi) Сало-мат Мамлабоева, қедоқовчи Турсунов Ёкубова кедоқовда 20 йилдан бери меҳнат қила-ди ва шу бўлимининг кон-структори Мавжуда Умарова ва технолог Шоҳиста Орифоно-валар.

Ана шундай лобар аёллар туфайли бирлашма эммаси-даги вазирам ҳақида аҳоли даражада бажармоқда.

Андрей Пищенко суратлари.



* Турли касб эгалари

УМРГА ХОТИРА

УМРГА ХОТИРА

Мақтабид битирганига «Зенит» фото-оппаратини олиб беришини дала-сидан илтимос қилди. Мехрибон ота ўглини ҳафа қилариди, олиб берди. Биринчи бўлиб мехрибон онажонининг қиёбасини фотоленгага тушири-ди ва уни Чирчиқ шаҳридаги шаҳар маншай комбинат қондига ташкил этил-ган сурат лабораториясига олиб бе-риб, қотмадан келган суратлар ус-таси, Миша амакидан илтимос қилди, сурат қўйилгандаги чиқди. Миша амаки қондига «Зенит» ушлаб лабораторияда олиб бориладиган ишларга сиғочковлик билан қараётган боладан қизиқиб сўради: — Отиг нима? — Вахтиёр, — Қаерда яшасан? — Чирчида, — Сураткашликка қизиқасанми? — Ҳа, — Мақтабин тугатганмисан? — Тугатганман, — Қачон? — Бу йил, — Вишда ишларни хоҳлайсанми? — Қабул қилсангиз жоним билан ишлардан, — Раҳмат, — Расмин қўлига олиб уинга учди. Бўлган воқеани ота-онасига айтиди, Ни-

ма дейишарди, хурсанд бўлишди.

Бахтиёр 1973—1976 йилларда Горь-кий шаҳрида хизмат қилди. Армия сафини ҳам кўн қатори тугатди. 1977 йилнинг кузида Тошкентнинг саховат-ди кузи тасвири сурат пёнкаларида ўз аксини топди. Бахтиёрга ота-она-сини ТПЗ га ишга кириб, бирор ҳўнар ўрганишини тавсия этидилар. У қўнма-ди.

Суратириб завод фотолaboratoria-сини топди. Баланд бўли, алпқомат, бир қарашда одам ҳолатидан ички рўхиятининг билиш санъатига эга бўл-ган Юрий Сергеевич Игумов салом-алиқдан сўнг кўзалари сурат олишга чанқок, аммо уларроқ турган йилгига савол аломати билан қаради ва деди:

- Ҳўш, йилгига, хизмат?
- Ишга кирмоқчи эдим.
- Сураткашмисан?
- Ҳа,
- Отиг нима?
- Вахтиёр,
- Сурат олишни билсанми?
- Ҳа, Армиягача сурат лаборатория-сида ишлаганман,
- Ундай бўлса, сени ишга қабул қилдман,
- Раҳмат,
- Қани ишни бошла,
- Бу ёғини сўрасангиз Бахтиёр сурат-ларини устоз қуттигандан андга чиқара бошладилар. Шунга ҳам худди тушдай 20 йил бўлганга Бахтиёр ишонмайдилар.

Бахтиёр — иқтидорли сураткаш. Унинг 20 йил давомида олган сурат-лари беҳисоб. Улар хонадон деворла-рида, альбомлар саҳифаларида сурат соҳиб ва соҳибалари учун бир умрга хотира бўлиб қолган.

Мана, бир неча йилдирки, Дина Зай-нитдинова билан ҳамкорликда завожда ҳалол хизмат қилиб келишмоқда.

Сурат лабораториясига иттифоқчи ки-риб қолар экансиз, истараси иссиқ, майин баҳорий табассум билан сини Бахтиёр кўриб олади. У олган суратлар мавзуси уфқ каби беадад.

Бахтиёр тини билмас сураткаш. У ТТЗнинг гоҳ ишчилари орасида, гоҳ бўлималар (сехлар)да, вада лагер жойлашган табиятининг латифлиги, латофати мафтۇни, у ҳамма-ҳам-масини фотопёнкаларга туширишга улгуради. У чарчас имналгини бил-майди, негани, ўз касбин чин дилдан севади, Бўлмас...

Бахтиёр Миноев суратларини ҳамма ерда учратиш мумкин Унинг суратла-рида латофатли қиз-жуновлар, ало-қомат йилгилар, фаолияти «Ишчи оло-зи», «Транстрострой» саҳиф



САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. Петергоф фаввораларининг навбатдаги ишга туширилишига бағишланган тантанادا аввалгидек минг-лаб одам қатнашмади. Чамаси, бу аънава ўтмишда қоладиганга ўхшайди. Чунки бугунги кунда бу эрда амалга оширилган таъмирлаш ишларининг учдан бир қисминга бажаририлган, холос. Белгиланган вазифаларни ижросига етказишга эса маънавий ёрдам берилди.

СУРАТДА: Петергоф фавворалари. ТАСС сурати.

* Футбол оламидаги гаплар Александр МОСТОВОЙ: «БЕНФИКА»ДА ЎЙНАШ УЧУН УЙЛАНДИМ»

АЛЕКСАНДР МОСТОВОЙНИНГ
ПОРТУГАЛИЯЛИК БИР АЕЛГА ТУСАТДАН
УЙЛАНИШИ ХУСУСИДА ҲАМОН
АНЧА МИШ-МИШЛАР ЮРИБДИ.

ХУШ, «Спартак» Москванинг собиқ футболчиси қандай қилиб бу аёл билан танишиб қолди? Узингиз тасаввур қилинг: ёшгина йигитча Лиссабонга келиб ҳали эмин-эркин ўрнашмасдан туриб, бахтни қарангки, ўша ерлик бир гўзал билан ЗАГСга қўтилишга кирса бўлади! Мен бунга тушунаман албатта, бизнинг одамлар бундан зийда ҳам қодирлар. Шунга қарамай, Мостовойни МДХ — Англия учрашуви арафасида Москвада қўриб, мен ўзини тутиб туролмадим ва ундан сўрадим:

— Саша, хотинингни олиб келмадингми?
— Йўқ, — лўнда жавоб янгради.

Муштарий учун маълумотнома:
Матбуотда Мостовойнинг янги турмуш ўртоғи бир маҳаллар Россияда яшаганлиги хусусида хабар тарқалган эди. Айтишларича сўнгра у португалияликка эрга тегиб, Португалия фуқаролигини қабул қилган, аммо тез орада бу онла ажраб кетган. Баногоҳ менинг ҳамкасб дўстларим ўзларича таҳмин қила бошладилар: балки Саша ўз севишлисини Москвада қўриб қўлган эди. Шунинг учун «никоҳ операциясини» ўтказишга қарор қилди.

— Демак, никоҳ сохта экан-да?
— Ҳа, биз нотариус қабулида бўлди ва ажралган тақдиримда хотиним менинг мол-мулкимга даъво қилмаслигига кафолат олдим.

— Нахотки бу хотин шундай шартларга осонгина кўнган бўлса?
— У билан клуб ҳўжайинлари гаплашганим. Бу битим учун унга нима таклиф этганим менга номаълум.

— Саша, айтич, нега айнан «Бенфика»га бунча талпиниб қолдинг?
— Тўғри, мени Германиянинг «Байер» клуби таклиф этганди. Аммо немислар роса ваъда беришган бўлса-да, расмий битимга келганда ўзларини олиб қочишди.

— Мана, сен Португалия фуқароси бўлдинг. Лекин янги клубда ҳали бирорта ўйинда ўйнаганинг йўқ. Нима бўлди?
— Мен августда, яъни янги мавсум бошланганда «Бенфика» сафида ўйнай олишим мумкинлигини тушутиришди.

Бўлгани бўлди. Одам ёлгондакам уйланди, беш хонали квартира, «Мерседес» автомобилдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мостовой, бундай олиб қараганда, ҳеч нима йўқотмади. Уики мамлакатнинг фуқароси бўлгани учун, келажакда Мостовой терма командасининг ўйинчисига айланиши ҳам мумкин. Агарда хоҳласа, Гариш бу ҳақда Мостовой жар солмаган бўлса-да, унинг Лиссабонда мухтамак ўрнашишга қарор қилгани рост.

Александрни тинглай туриб, «Спартак»нинг бош тренери Олег Романцев у ҳақда айтган гаплари эсимга тушди:

— Саша жонингга тегиб. Бирор бир камчилигини айтсанг бўлди: «Етмайди» бўлса, нега ушлаб турибсанг? Мен эртагаёқ кетишим мумкин» дея жавоб қилди. У бугун юлдазга айланди. Матбада ўйиб юрганида нималар қилганини билмасангиз, Бемалол турмага тушиши мумкин эди. Мен уни «Спартак» футбол мақтабига жўлайдим, кейин ўзим устозлик қилган «Красная Пресня» жамоасига олдим. Гуркирашига, ўзинга ишонч ҳосил қилишига ёрдам бердим. Агар ўйинда «Менга бу бола керак эмас» дея қўлини кўтигимга урганимда, бугун Мостовой ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмасди ҳам. Унингларнинг аксарияти ўзи кўрнамас бўлади. Бойроқ бир клуб имо қилса бўлди — дарров жуфтаник ростлаш пайидан бўлашади.

— Саша, нима деб ўйлайсан, Романцев сендан хафамкин?
— Унинг фикрича, мен дунёдаги энг оқибатсиз одамман. Ҳолбуки ўтган мавсум бошида Шалимов билан Романцевга учрашганимизда чет элга қўйиб юборишга рози бўлдим. Шалимов эъда Италияга кетди, Шмаров — ГФРга, Кулькова — Португалияга. Мен эса эски тоғора билан қолавердим. Демак уларга мумкин-у, менга йўқ экан-да! Шартта бетига айтдим шу гапларни. Лекин мавсум охиригача ўйнадим, тренер кўрсатмаларини бажардим. Ҳайронман, нега Романцев мenden бунчалик хафа экан!

— Гап келганда айтич жон, 91-йилда уни ҳам Испанияга таклиф этганимди. Лекин у кетмади. «Спартак»нинг чемпион қилмоқчи эди...

— Мен ҳам бунинг хоҳардим. Бўлмади. Энди эса «Бенфика»да ўйнамоқчиман. Бу менинг ишим.

«Собеседник»дан
Толиб НЕЪМАТУЛЛАЕВ ўғриди.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сизни ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш, илгор технология ва катта ойлик маош қизиқтирса, агар Сиз имтиёзли шартларда авиация техникумида ва олий ўқув юрларида ўқишни давом эттириш ҳамда вақти келиб ишлаб чиқариш раҳбарлари орасидан ўрин олиш ниятида бўлсангиз, у ҳолда бизга — С. И. Қадшиев номидаги 33-ўрта хўнар-техника билим юртига ўқишга келинг.

Тошкент шаҳри ва шаҳарга яқин районларда яшовчи ёшлар қабул қилинади.

Биз В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси учун қўйидаги юксак малакали мутахассисларни тайёрлаб берамиз: учиб аппаратларини йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, учиб аппаратларини тайёрлаш ва маромига етказиш бўйича чилангар, кенг ихтисосли дастгоҳчи, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, фрезерловчи, электр-газлайивандчи, тикувчи-моторчи (қизлар учун).

Ўқиш муддати — 6 ойдан 3 йилгача.

Қабул шартлари — ҳамма хўнар-техника билим юрларидаги каби.

Маълумот — 9—11-синфлар (8-синф истисно тариқасида бўлиши мумкин).

Беш кунлик ўқув ҳафтаси, катта стипендия, бепул: 2 маҳаллик кучли овқат, кийим-бош, замонавий асбоб-ускуналар ва электроника билан жиҳозланган устaxonалар ва ўқув хоналари, олий тоифали усталар ва ўқитувчилар, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидаги амалиёт даврида тўланадиган 100 фойзлик иш ҳақи — ана шуларнинг барчаси Сиз учун муҳайё!

Машгулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб берилади.

Маданий ҳордиқ чиқаришни истасангиз: спорт зали, спорт устаси-тренерлар, куй-қўшиқ дастаси, миллий чолғу дастаси, пуфлама чолғулар оркестри, радио тўғараги, тасвирий санъат студияси, компьютер техникаси тўғараги Сизнинг ихтиёрингизда бўлади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: 96-58-20, 96-39-72.

КАСБНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

БУНИ ҲАММА БИЛАДИ, ВИРОҚ КИМ

БЎЛИШ КЕРАК?

Ишчилик касбига ҳавасмандми? Унда билингки, Тошкент шаҳридаги 3-хўнар-техника билим юртида Сиз жуда қизиқари ва ноёб касб эгаси бўлиб чиқасиз.

Бу ерда электр газлайивандчилар, саноат ускуналари ва автомобилларни таъмирловчи чилангарлар, техника назорати бўлими назоратчилари, кенг ихтисосли дастгоҳчилар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари, токарлар, таъмирловчи-чилангарлар тайёрлаб чиқарилади.

Билим юртида тошкентликлар ва бошқа жойдан келганлар таълим олишлари мумкин.

Ўқиш муддати — 6 ойдан 3 йилгача.

9-синфин битириб ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар. Ўқувчиларга касб малакаси билан бирга тўлиқ ўрта маълумот олганликлари тўғрисидаги диплом берилади.

7 ва 8-синфларни битириб, ўқишга кирганлар 2 йил ўқийдилар. Ўқувчиларга касб малакаси билан бирга тўлиқсиз ўрта маълумот олганликлари тўғрисидаги диплом берилади (ўқиб даври узлуксиз меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади).

Билим юртини тугатган ёшлар «Ташсеельмаш» база корхонасида ва Тошкент шаҳридаги корхоналарда ишлайдилар.

Бошқа шаҳардан келганлар турар, жойларидаги таъкилотларнинг йўлнамаси бўйича билим юртига ўқишга киришлари мумкин.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирган ўқувчилар 380—400 сўм ҳажмида стипендия ва имтиёзли овқатланиш талонларини оладилар. 9-синфларнинг битирувчилари эса товои пули, бепул овқатланиш ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар ўзлари қизиқадиган тўғарақлар ва спорт шўббаларининг машгулотларига қатнашишлари мумкин.

Қалай, 3-хўнар-техника билим юрти Сизга манзур бўлдими?

Унда қўйидаги ҳужжатларингизни олиб, дарҳол бизнинг ўқув масканимизга келинг: ариза, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

МАНЗИЛИМИЗ: 700050, Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54-уй. (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати; 21, 49-автобусларнинг «3-хўнар-техника билим юрти» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

ТОШКЕНТ ИП-ГАЗЛАМА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ
ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Ил Йиғирувчи, калаваловчи, пиликловчи,
тўқувчи касблари бўйича
16 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Машгулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Ўқиш муддати — 4 ойдан 8 ойгача.

Ўқувчиларга ўқишнинг 1, 2-ойларида 400 сўм, 3, 4-ойларида 280 сўм, қолган даврда 160 сўм стипендия тўланади. Бундан ташқари, улар амалий дарслар вақтида ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун 100 фойз ҳақ оладилар.

Бутун ўқиш муддати давомида ўқувчиларга овқатланиш учун ҳар кун 5 сўмлик талонлар берилади.

Бирлашма ишчиларининг ўртача иш ҳақи 1500—3500 сўмни ташкил этади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Яққасарой ноҳияси, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. (2, 57, 80, 97-автобуслар; 17, 25-маршрутли таксиларнинг «Билим юрти» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 55-44-85, 55-44-96.

ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШ БОШҚАРМАСИ
10-хўнар-техника билим юрти
1992—1993 ўқув йилига

қўйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Якка буюртмалар тикувчи-бичиқчилар, ўқиш муддати — 1—3 йил;

кенг ихтисосли сартрошлар, ўқиш муддати — 1 йил;

ошпаз-қандолатчилар, ўқиш муддати — 1—3 йил;

музлаткичлар тузатиш усталари, ўқиш муддати — 3 йил;

сотувчи-буфетчи, ўқиш муддати — 1 йил;

кенг ихтисосли сураткашлар, ўқиш муддати — 3 йил;

Билим юртига 9—11 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

9-синф ҳажмида маълумотлилар бепул овқат, кийим-бош, 40—50 сўмлик нафақа билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотлилар, ойнага 500—700 сўм нафақа билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қўйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, турар жойдан маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 на фотосурат.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, 1/2 Қорақамиш даҳаси, 20-уй. (42, 43 «а», 56, 93-автобуслар; 27-грамвайнинг «Мақтаб» бекати, 7, 10-троллейбусларнинг охириги «1/4 Қорақамиш» бекати, 82-автобуснинг «1/4 Қорақамиш» бекати).

«ШАРҚ»

НАШРИЕТ МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Торжок ва Москва матбаачилик заводаларининг бўёғи;
Зарайск заводининг сезгир пластиналари;
кимёвий моддалар;
сантехника ускуналари;

— винтеллар;
— насослар;
— клапанлар;
— С 245 ПС дизелли арава-даги «Андижонлик» насоси.
Матбаа ускуналари;
— қадоқловчи-қиесувчи БПМ—1,5

пресс,
— қоғоз майдалагич,
— ПУА—1—274 қадоқлаш машинаси,
— токарлик кескичлари,
— подшипниклари

СОТАДИ

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй. Телефонлар: 33-21-86, 33-02-96.

фирмаларнинг иш юритиш қоғозлари, шахсий гувоҳномаларга янги герб туширилган ҳолда тайёрлаб бериш кафолатини олади. Буюртмалар чекланмаган тарзда қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Ленинград кўчаси, «Шарқ» концернининг офиси
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

7-ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиотелевизион аппаратураларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик ихтисосини эгалламоқчи бўлган барчани

4 ОЙЛИК ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Машгулотлар 1992 йил 1 сентябрдан бошланади.

Таълим шакллари — кундузги, кечки, сиртқи.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 22-алоҳа бўлими, Яққасарой району, Қўшбеги кўчаси, 8-уй. (Тошкент тўқимачилик комбинати қаршисида).

ТЕЛЕФОН 53-31-21.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ»

НАШРИЕТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

босма маҳсулотларнинг қўйидаги турлари

бўйича

шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формат 84x108¹/32, 70x108¹/32, 84x108¹/16, 70x108¹/16;

— рангли буклетлар, проспектар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлик (этикетка)лар, откреткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60x45 дан 90x120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картондан ясалган рангли кўтчалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топшида қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қўйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,

асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Қилише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50.

ДИҚҚАТ!


Иссиқлик қувурларининг таъмирланиши муносабати билан иссиқ сув таъминотида давомли муддат узилиш бўлмаслиги учун ва вақтинчалик иссиқ сув таъминоти схемасини амалга ошириш учун

Мирзо Улуғбек ва Юнусобод районларидаги Марказ-1, Марказ-2 мавзеларида

15 июлдан бошлаб икки кунга иссиқ сувни ўқиниш режалаштирилган.

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-32-32.

Тошкент иссиқлик тармоғи корхонаси.



МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яшанбада таъқирин ҳар кун ۋзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 33-53-76,
хатлар — 33-29-70,
33-53-79;
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 33-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғриллиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасида.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700090, ГСП, Тошкент, 19-ноҳияси кўчаси, 41.